



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
5 февраль
ШАНБА
№ 11
(12.335)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАДБИР

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаси жойларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида чуқур ўрганилмоқда.

ЁШЛАР КОНЦЕПЦИЯНИ ФАОЛ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан бу борада қўллаб-қувватлаш ва урғунлаштириш ташкил этилаётган. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мазкур университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари илгари сурган концепция юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини янги босқичга олиб чиқишда дастуриямал бўлиб, унинг маз-

мун-моҳиятини ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар пухта ўрганиши муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Бу фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим қафолати бўлган ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Анжуманда соҳа мутахассислари ёшларга концепциядаги илғор гоялар, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш мақсадида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар аҳамияти ва кўлами юзасидан батафсил маълумотлар берди.

Ў.А.

ЯНГИ КОРХОНА

ҲОВЛИНГИЗНИ БЕЗАЙДИ

Юртимизда халқ фаровонлиги ошиб, қурилишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Шу бонс қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ортаётган. Жумладан, қад ростиётган мушак биноларнинг ҳовлиларини безайдиган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Кичик корхонамизда йўлақлар учун безак тошлари ишлаб чиқарилади, — деди Чиноз "Алия Форм" фирмаси раҳбари Бобомурод Диниев. — 2009 йилда Янги Чиноз шаҳарчасида очилган фирмамиз бугунги кунда анча танилиб қолди. Эндиликда 20 турдан зиёд турли шаклдаги безак тошлари ишлаб чиқармоқдамиз. Улардан қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳоли йўлак, ҳовли, девор фасадларини безашда фойдаланмоқдалар.

Тўртбурчак, олти киррали, тўртти бурчак ва бошқа шаклларда тайёрланаётган безак тошларига буюрт-мачининг талаби бўйича исталган ранг бериллади. Бу безак тошлари ихчам, енгил ва энг асосийси, мустаҳкам. Чунки, уларга махсус қоришма қўшилган бўлиб, нам тортмайди, 10-15 тоннагача оғирликни кўтариши мумкин.

Биз кичик корхонада бўлганимизда ҳовлидаги махсус майдонга намуна учун териб қўйилган йўлак безак тошларига кўзимиз тушди. Улар текис, кўркам, дид билан терилган.

Исм-шарифим Эломон Ҳазратов, — деди ўзини таништирган йигит. — Мана шу маҳсулотларни ҳамкасбларим Райрат Турдиев, Феруз Очилов, Ганишер Шеркулов билан бирга тайёрлаймиз. Бизнинг асосий мақсадимиз — маҳсулотнинг сифатли чиқиши. Шунда йўлак безак тошларимиз харидориги бўлади, фирмамизнинг номи эса элга танилади.

Маъмура НОСИРОВА.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



«ИСТИҚЛОЛ»НИНГ САРА МАҲСУЛОТЛАРИ

Пискент туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалигида 51 бош қорамол боқилапти. 18 бош соғин сигирдан кунига 150 литр атрофида сут соғиб олинапти. 90-100 литри хўжаликнинг мўъжазига цеҳида қайта ишланиб, қаймоқ, творог Олмалиқ шаҳри ҳамда тумандаги дўкон ва муассасаларга тарқатилмоқда.

Бу йил цеҳга янги технологиялар олиб келиш режалаштирилган. Хўжалик 8 гектарга беда ва 2 гектарга маккажўҳори экмюқда. Демак, ем-хашак ва озукадан муаммо йўқ.

СУРАТАДА: фермер Исроил Ортиқов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

GIZ ЖАМИЯТИ ЮРТИМИЗДА

Тошкентда халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) ўз ишини бошлади. Шу пайтга қадар юртимизда Германиянинг тараққиёт хизмати (DED), Техник ҳамкорлик бўйича жамияти (GTZ) ва Малака ошириш ва тараққиёт бўйича халқаро жамият (InWEnt)лари фаолият олиб бораётган эди.

Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) 2011 йилнинг январидан ўз ишини бошлади. Ушбу ташкилот Германия ҳукуматига қарашли DED, GTZ, InWEnt

воситачи ташкилотнинг салоҳиятлари ва кўп йиллик тажрибаларини ўзида бириктиради.

GIZ федерал ташкилот ҳисобланади. У барқарор

тараққиёт йўлидаги халқаро ҳамкорликдаги мақсадларга эришишда Германия ҳукуматига кўмаклашади. Бундан ташқари, GIZ халқаро даражадаги таълим ишларида ҳам фаол иштирок этади. Ушбу ташкилот бутун дунёдаги инсонлар ва жамиятларнинг қарашларини шакллантириш ва турмуш шароитларини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшади.

"Туркистон-пресс".



ДАВРАДА НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ

Тошкент Давлат юридик институтида "Алишер Навоий — маънавиятимизнинг буюк султони" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир маърифат маъини авлодларга тутқазган, инсонни шарафлаган ва ўзи ҳам бу кунда шарафланаётган, буюк мутафаккир аллома Алишер Навоий таваллудига бағишланди. Унда навоийшунос олимлар, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари меҳнат қилиш, ҳунар ўрганиш ва ўргатиш, таълим олиш ҳамда таълим бериш каби инсоний қасдларнинг улугулаган алломанинг ғазал ва рубоийларидан парчалар ўқишди.

"Туркистон-пресс".

ҚУРАШЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Юқоричиқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида миллий кураш мусобақаси ўтказилди. 29-65 кг. вазини ёш полвонлар гиламга чиқишди.

Ўз вазн тоифаларида иштирокчи туман халқ таълими бўлими ҳамда совринли ўринларни қўлга киритган 30 нафар таълим ва фан ходимлари

ри касбаб уюшмаси туман бирлашган кўмитасининг диплом ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси — 205.



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН АМАЛИЙ САБОҚ

Қибрай туманида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамкорлигида "Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш имкониятлари" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банкларининг Тошкент вилояти ҳамда туман бўлимлари вакиллари иштирок этди.

Ушбу семинардан қўланган асосий мақсад ҳам аҳолини, айниқса, тадбир-

корларни юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кенгрок хабардор қилиш, аҳолининг кам таъминланган, ишга лаёқатли ва иқтисодий фаол қатлами янада қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш бўйича ўзаро фикр алмашишдан иборатдир.

Ўқув-семинарда Халқ демократик партияси марказий

кенгаши раиси ўринбосари Ш. Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Ш. Хайдаров ва бошқалар мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётганини, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишда банк кредитлари муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар.

Семинар қатнашчиларига


тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётгани, кредитлар бериш тизимини амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофича маълумот берилди.

Ўқув-семинар якунида 30 нафардан ортиқ тадбиркорга тижорат банкларидан кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Л. СУВОНОВ, Ў.А. МУҲБИРИ.

СУРАТАДА: семинардан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИННОВАЦИЯ



Глобал иқлим иссиши бутун Ер юзига хавф солиб, тикланмайдиган табиий энергия ресурслари - газ, айниқса, нефть захиралари йил сайин камайиб бормоқда.

АВТОМОБИЛИНГИЗ ГАЗЛАШГАНМИ?

Иқтисодиёт ва саноатнинг тез суръатларда ривожланиб бориши оқибатларини бартараф этиш учун экологияга зарар етказмайдиган барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ани кунда жаҳон афкор оммаси олдида турган долзарб, аммо мураккаб вазифа ҳисобланади.

қонуности ҳужжатлари ҳам бунинг учун қулай ҳуқуқий муҳит яратди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Gazamir-Pro" МЧЖ билан ҳамкорликда муайян натижаларга эришди.

ишлаб чиқарилган LOVATO, TOMASETTO, MARINI, AGT, шунингдек, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган машур ENK ва Туркияда тайёрланган ATIKER газбаллон қурилмалари билан жиҳозлаган. Энг асосийси, бу қурилмаларнинг барчаси Ўзбекистон Давлат стандарти сертификатларига эга.

Маҳаллий автотранспорт воситаларини газбаллон қурилмалари билан жиҳозлаш лойиҳасини амалга оширишга оид ҳукумат

"Gazamir-Pro" корхонаси бу автомашиналарни Италияда

рилган маълумотларга кўра, ҳозирги пайтга келиб, газбаллон қурилмалари КамАЗ самосвали ва ISUZU автобусларига муваффақиятли ўрнатилди. ТТЗ-80.2, ВТ-159 русумидаги тракторларга ўрнатиш ишлари эса яқунлаши арафасида.

Этироф этиш керакки, янги қурилма ўрнатилган техника воситалари ҳам газ, ҳам дизель ёқилгисидан ишлаш олади. Газдизель тизими двигателъ конструкциясига ўзгариш киритмай, ҳар қандай дизель двигателни газ-дизель, яъни ёқилги ва газ аралашмаси билан ишлаш учун қайта жиҳозлаш имконини беради.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.



Қоғира шаҳри марказида 3 февралга ўтар кечаси ҳукуматга қарши намойиш қатнашчиларидан камида 4 киши ўларилди, дейилади "Ал-Жазира" сайтидаги хабарда.

ҚУРБОНЛАР УЧ ЮЗДАН ОШДИ

Тўқнашулар давом этаётган жойда ишлаётган шифокорлардан бири "Ал-Арабия" телеканали муҳбирига шу маълумотни берган. Аввалроқ эълон қилинган маълумотларда Хусни Муборак тарафдорлари намойишчиларга қарата ўқ узаётгани айтилган эди.

журналистларини ҳам аяшмаяпти. 2 февраль кuni Франциянинг France-24 ангилликлар канали ходимларидан уч нафарини қўлга олишди. Улардан бирига жароҳат етказилган.



асосда ўтишини таъминламоқчи. Аммо, бу президентга қаршиларнинг сай-ҳаракатларини тўхтата олмади. Президент истеъфога чиқмас экан, намойишлари давом эттираверишларини айтди.

Қоҳиранинг марказидаги Таҳрир майдонига минглаб намойишчилар тўланди. Улар билан президент тарафдорлари ўртасидаги муштлашувлар чоғида таёқ ва ҳатто, пичоқлар ишга солинди, бир-бирларини тошбурон қилишди. Номалум кишилар Таҳрир майдонини атрофидан биноларга қўлбола портловчи қурилмаларни улоқтирдилар.

Мисрни 30 йилдан буюн бошқариб келатган 82 ёшли президент Хусни Муборак 1 февраль кuni кеқурун миллионга нутқ билан мурожаат қилиб, шу йил сентябрь ойига мўлжалланган президент сайловларидан сўнг лавозимини бושатишни ваъда қилди. Унинг сўзларига кўра, сайловларда қатнашмоқчи эмас, овоз беришининг тўла демократик

Мамлакат иқтисодиётининг ноқорлиги ва ишсизликнинг ҳаддан зиёд кўпчилигидан безор аҳолининг норозилик митинглари 25 январь кuni бошланган эди. Намойишчилар ҳукумат эълон қилган комендантлик зонасига бўйсунмадилар. БМТ маълумотларига кўра, тартибсизликлар давомида 300 дан зиёд одам ҳалок бўлди ва 3500 га яқин киши жароҳатланди.

НИГОҶ

«ЎЗИНГИ ЎЗИНГ ДАВОЛА»

бугун тожикистонлик шифокорларнинг асосий шиори шундай

Узоқ қўзилган ижтимоий-иқтисодий таназзул табиий асбоб-ускуна ва дори-дармонлар харид қилиш учун маблағ йўқлигига асосий сабаб бўлди.



Республикада соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ёмон аҳволга тушиб қолди. Врачлик пунктларини моддий-техник таъминлаш ўз холига ташлаб қўйилган. Шифохоналарда чирок, сув, иссиқлик ва дори-дармонлар йўқ.

матри 100 дан зиёд киши ич терлама касалига чалинганини қайд этди. Шуниси ачинарлики, бу беморларнинг аксарияти 14-15 ёшли ўсмирлар.

Тожикистондан чет элларга иш излаб бориб келатганлар ҳам турли оқумли касалликларнинг кўпайишига сабабчи бўлаётганлиги айтилган.

Тажикистон президенти ҳузурдаги Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, ўтган йилнинг январь-апрелида мамлакатда юқумли касалликларга чалинган 16 минг бемор рўйхатга олинди.

Сил касалликлари шифокорларнинг моддий-техник базаси нихоятда ноқор эканлиги сабабли мамлакатда бу касаллик кенг тарқалиб, вазият янада мушкуллашиб бораётган.

Тожикистонда буғунги кунга қадар шифокорларнинг асосий шиори шундай: «Ўзинги ўзинг давола».

Тожикистонда узоқ вақтдан бери давом этаётган иқтисодий таназзул сув таъминотида ҳам кучли зарба бўлиб тушди. Халқ ҳужалигининг бу муҳим тармоғини молиялаштириш жуда ёмон аҳволда.

Тожикистонда буғунги кунга қадар шифокорларнинг асосий шиори шундай: «Ўзинги ўзинг давола».

Тожикистонда буғунги кунга қадар шифокорларнинг асосий шиори шундай: «Ўзинги ўзинг давола».

ВАЗИРГА ОФИР АЙБ ҚҲЙИШДИ

Франция ташқи ишлар вазири Мишель Альо-Мари жанжалли воқеа гирдобидда қолди. Бунга вазирнинг тунияски бизнесчи Азиз Милеанинг самолётида унганлиги сабаб бўлди.

Оммавий ахборот воситалари бу бизнесчи Туниснинг тахтдан ағдарилган собиқ президенти Зин эл-Абидин Бен Алининг қариндоши эканлигини маълум қилди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НУРОНИЙЛАР – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида" ги қарори ижроси доирасида юзлаб ёлғиз кексалар ва ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофиза қилинди.

Ў.А.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

«Истиқлол» маҳалласи Паркент шаҳрининг обод қишлагидан бирига айланиб бораётган. Гузарда янги савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда.



Кўчаларга асфальт ётқизиilib, бўш, қаровсиз саймонликларга мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилаётган.

«Истиқлол» маҳалласи Паркент шаҳрининг обод қишлагидан бирига айланиб бораётган. Гузарда янги савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда.

ЭР ЙИГИТ ЭЛНИ ЎЙЛАЙДИ

– Нафақага чиққан, куч-ғайратини тadbиркорликка бағишлагаша қарор қилдим, – дейди у. – Ойламиз билан дастлаб чорроқ бир дўкон очдик.

ишлари яқунланаётган. Уни шарҳнома асосида вилоят "Обиҳаёт" идораси лойиҳачилари тайёрлашмоқда.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес. МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини қўйилмоқда:

Тошкент вилоти ИИБ ЙХХБ сақлаш майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

